

## **«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**“Оқтош дон” АЖ акциядорларининг  
2 май 2016 йилдаги навбатдан ташқари  
умумий йиғилиши қарори**



**“ОҚТОШ ДОН” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ ВАҚТИДА ҲАРАКАТ  
ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТҮГРИСИДАГИ НИЗОМ**

## **МУНДАРИЖА**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	3
II. НИЗОМ ТАЪСИРИ ОСТИГА ТУШАДИГАН ШАХСЛАР ДОИРАСИ .....	3
III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАРТИБ- ҚОИДАЛАРИ .....	4
IV. МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ (ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ).....	4
V. МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ.....	5
VI. МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ .....	9
VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР .....	12



## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Узбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига, "Оқтош дон" акциядорлик жамияти (матн бўйича - "Жамият") Уставига, Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Жамиятда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ва хал қилиш тартибини белгилайди.

2. Жамият фаолиятини амалга ошириш жараёнида Жамият (унинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари)нинг мулкий ёки бошқа манфаатлари хамда Жамият шартнома муносабатларини ўрнатган кредиторлар, контрагентлар, бошқа ташкилотлар ва шахслар (матн бўйича - "Мижозлар")нинг мулкий ёки бошқа манфаатлари ўртасида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ва (ёки) унинг ходимлари харакати (харакатсизлиги) натижасида Мижознинг хукуклари ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўйилган холатлар оқибатидаги зиддиятлар туфайли манфаатлар тўқнашувлари юзага келиши мумкин.

Бундан ташқари, Жамият акциядорлари манфаатлари ўртасида, Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ва акциядор (акциядорлар) манфаатлари ўртасида манфаатлар тўқнашувлари (корпоратив низо) юзага келиши мумкин.

3. Мазкур Низомда қуйидаги манфаатлар тўқнашувлари юзага келиш холатлари кўриб чиқилади:

мажоритар акциядорлар (йирик акциялар пакетларига эга акциядорлар) ва миноритар акциядорлар (кичик микдорли акцияларга эга акциядорлар) ўртасидаги манфаатлар тўқнашувлари;

Жамият бошқарув органлари ва унинг акциядори (акциядорлари) ўртасидаги манфаатлар тўқнашувлари;

Жамиятнинг бошқарув органлари ва жамоат назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашувлари;

Жамият ва Жамиятнинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида улар томонидан хизмат вазифаларини амалга ошириш жараёнида юзага келган манфаатлар тўқнашувлари.

## **II. НИЗОМ ТАЪСИРИ ОСТИГА ТУШАДИГАН ШАХСЛАР ДОИРАСИ**

4. Низом таъсири Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига хамда унинг эгаллаб турган лавозим даражаларидан қатъий назар барча ходимларига жорий қилинади.

5. Мазкур Низомга риоя қилиш тўғрисидаги талаблар Жамият ойни фуқаролик- хукуқий шартномалар асосида хамкорлик қидаётган жисмоний шахсларга тааллуқли вазифалар улар билан тузилган шартномалар а.

уларнинг ички хужжатларида тасдиқланган холатларда ёхуд бевосита қонунга мувофиқ татбиқ қилинади.

### **III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ**

6. Жамиятда манфаатлар түқнашувларини бошқариш қуйида қайд этилган асосий тартиб-қоидаларга асосланади:

хақиқий ва потенциал манфаатлар түқнашуви түғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш мажбурийлиги;

хар бир манфаатлар түқнашуви холати аниқланганда Жамият учун обру-эътиборга путур етказиш хавфларини алоҳида кўриб чиқиш ва баҳолаш хамда уларни хал қилиш;

манфаатлар түқнашуви ва унинг хал қилиниши түғрисидаги маълумотлар ошкор қилиниш жараёнининг қатъий махфийлиги;

манфаатлар түқнашувини хал қилишда Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари хамда унинг ходимлари манфаатлари мувозанати (баланси)га риоя қилиш;

ходим томонидан ўз вақтида ошкор қилинган ва Жамият томонидан хал қилинган (бартараф қилинган) манфаатлар түқнашуви түғрисида хабар бериш туфайли шахсни таъқиб қилинишдан химоялаш.

### **IV. МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ (ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ)**

7. Жамиятнинг мажоритар ва миноритар акциядорлари ўртасидаги, Жамиятнинг бошқарув органлари ва акциядорлари ўртасидаги манфаатлар түқнашувлари қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:

қонунлар, меъёрий (норматив) хужжатлар ва Жамиятнинг ички хужжатларига риоя қиласлик;

миноритар акциядорларнинг Жамият фаолиятига ва Акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгashi томонидан қабул қилинадиган қарорларга жиддий таъсир кўрсата олмасликлари;

аффилланган шахслар билан тааллуқли битимлар тузиш учун белгиланган тартибга риоя қилинмасдан йирик битимлар ва шартномалар тузиш;

Жамиятнинг бошқарув органлари томонидан Жамиятнинг молиявий ахволи ёмонлашишига олиб келиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилиниши;

амалдаги қонунлар талабларига мувофиқ ахборот ошкор қилинмаганлиги ёхуд Жамиятнинг бошқарув органлари таркибига кирувчи шахслар томонидан бошқа ташкилотлардаги бошқарув органдарига турган лавозимлари түғрисида, бошқа Жамиятлар хиссалари (акциялари)га эгалиги тўлиқ ахборот тақдим қилинмаганлиги.

8. Жамиятнинг бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлар ўртасида манфаатлар тўқнашувлари куйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:

қонунлар, Жамиятнинг таъсис ва ички хужжатларига риоя қиласли;

Мижоз манфаатларининг Жамият манфаатлари олдиаги устуворлик тамойили (принципи)га риоя қиласли;

амалий муносабатлар меъёрлари ва касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қиласли;

Мижозлар томонидан хам, Жамият томонидан хам шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганлиги;

қонунлар ва Жамиятнинг ички хужжатлари билан белгиланган ўз вазифаларини бажармаганлик.

9. Жамият ва мансабдор шахслар, ходимлар ўртасида манфаатлар тўқнашувлари куйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:

қонунлар ва Жамиятнинг ички хужжатлари талаблари бузилиши;

амалий муносабатлар меъёрлари ва касбий ахлоқ қоидаларига риоя қиласли;

Жамият фаолияти билан боғлик хам шахсий, хам оила аъзолари томонидан тижорат фаолияти юритилиши;

Жамият шартнома муносабатларини ўрнатган бошқа Жамиятда молиявий манфаатлар мавжудлиги;

бошқа ташкилотда ўриндошлиқ асосида раҳбар, мансабдор шахс сифатида ишлаш ёки унинг бошқарув органларида иштирок қилиш;

Жамият манфаатларига зарар етказилган холда, шахсий манфаатларни кўзлаб бошқа ташкилотларга амалий имкониятларни тақдим қилиш.

## V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

10. Жамият Устави ва унинг ички хужжатлари билан манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш воситалари назарда тутилган.

Мазкур Низом билан манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш бўйича Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиш учун мажбурий чоралар белгиланади.

11. Ҳар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари куйидагиларни амалга оширишлари шарт:

қонунлар, меъёрий (норматив) хужжатлар, Жамият Устави ва ишларни хужжатларига риоя қилиш;

манфаатлар тўқнашувлари пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган харакатларни содир этмаслик ва қарорлар қабул қиласлик;

Жамиятнинг самарали бошқарувини таъминлаш;

Жамиятнинг ноқонуний фаолиятни амалга оширишга, шу жумладан жиноий йўл билан олинган даромадларни қонунийлаштириш (четта чиқариш) ва терроризмни маблағ билан таъминлашга жалб қилиниш имкониятини истисно қилиш;

махсулотларни ишлаб чиқаришда (ишлар бажаришда, хизматлар кўрсатишда) максимал имконият даражасида самарадорликни таъминлаш;

қонунларга мувофиқ йилнинг хар чорагида бошқарув органлари олдида хисобот бериш;

Жамият Устави ва ички хужжатларига мувофиқ ички ва ташки назоратни амалга ошириш;

қонунлар ва Жамият Устави билан белгиланган микдорлардан юқори суммада йирик битимлар, алоҳида битимлар ёки бир қатор ўзаро боғлиқ битимларни кўриб чиқиш учун Кузатув кенгашига тақдим қилиш;

йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимларни тузиш шартларини назорат органлари билан ўрганишни амалга ошириш;

зарур холларда, қонунлар талабларига мувофиқ битимлар тузиш тўғрисидаги қарорлар Кузатув кенгаши томонидан маъқулланганда, мулкнинг бозор кийматини белгилаш учун мустақил баҳолаш ташкилотини жалб қилиш;

аффилланган шахслар тўғрисидаги маълумотлар хисобга олинишини таъминлаш;

қуйидагилар:

а) аффилланган шахслар;

б) Жамият акциядорлари ва уларнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тартиби ишлаб чиқилишини ва унга риоя қилинишини таъминлаш;

Жамиятнинг ваколатли органлари томонидан белгиланган тартибда олдиндан маъқулланмасдан йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимларни тузмаслик;

Жамиятнинг Кузатув кенгаши рухсатисиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида лавозимларни эгалламаслик;

Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг амалдаги қонунларга мувофиқ ва қўшимча маълумотларнинг Жамият Ахборот сийосати тўғрисидаги Низомига мувофиқ ошкор қилинишини амалга ошириш;



акциядорларга ва Мижозларга, бошқарув ва назорат органлариға, бошқа манфаатдор шахсларга, шу жумладан реклама мақсадларида тақдим қилинадиган бухгалтерия хисоботлари ва бошқа эълон қилинадиган ахборотнинг шубҳасиз тўғрилигини таъминлаш;

Жамиятда мавжуд ахборотдан бундай ахборотдан фойдаланиш хукуқига эга бўлган шахслар томонидан шахсий мақсадларда фойдаланишинг олдини олиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

оммавий ахборот воситаларида ва бошқа манбаларда Жамият тўғрисидаги салбий ахборотнинг тўғрилигини ва холислигини ўз вақтида кўриб чиқиш. Ҳар бир салбий ёки асоссиз ахборот пайдо бўлиш холати бўйича ўз вақтида эътибор қаратиш;

Жамият томонидан ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврда барқарор даромад олинишини таъминлаш;

Жамиятнинг ички назорат тизими камчиликларини аниқлашда иштирок қилиш;

Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари аъзолари тўланадиган хақларнинг Жамиятнинг молиявий ахволига, шунингдек Жамият фаолиятининг олдиндан режалаштирилган кўрсаткичларига асосан эришилган натижаларига мувофиқлигини таъминлаш;

касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш;

Жамият акциядорлари ўртасидаги, шунингдек Жамиятнинг бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва Жамият акциядори (акциядорлари) ўртасидаги манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари қуйидагилар амалга оширишлари шарт:

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя қилиш тўғрисида"ги Қонун, меъёрий (норматив) хужжатлар, Жамият Устави ва ички хужжатлари билан мустахкамланган мажоритар ва миноритар акциядорлар хукукларига риоя қилиш;

акциядорларнинг қонуний хукукларини таъминлаш масалаларида Жамиятнинг аниқ ва асосланган нуқтаи назари акциядорларга ўз вақтида етказилишини таъминлаш;

хисоблаб ёзилган дивидендерни ўз вақтида тўлаш;

белгиланган тартибда акциядорларга низога сабаб бўлиши мумкин бўлган масалалар бўйича тўлиқ ахборот тақдим қилиш;

ракобатчи Жамиятдан акциялар (хиссалар) харид қилинганда шунингдек бундай шахсларнинг бошқарув органларида иштирок киладиган Жамият бошқарув органлари аъзолари манфаатдорлиги мавжуд бўлган битимларни аниқлаш;



қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг объективлигини, холислиги ва мустақиллигини таъминлаш учун Кузатув кенгаши таркибиға мустақил аъзоларни номзод килиб кўрсатишга интилиш.

13. Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари қуидагилар амалга оширишлари шарт:

белгиланган тартибда Жамият тўғрисидаги ахборот тақдим қилинишини таъминлаш;

маҳфий ва бошқа мухим ахборотдан фойдаланиш тартибиға қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

маҳсулотлар (хизматлар)ни реализация қилиш ва Мижоздан шартномада ўзаро келишилган асосда белгиланган микдорда ёки тегишли маълумотлар тўлиқ ошкор қилинган тарифларга мувофиқ хақ ундириш;

ўз Мижозлари учун маҳсулотлар (хизматлар)ни юқори малакали, пухта ва халол реализация қилиш, шунингдек Мижозлар топшириқларини жорий бозор шарт- шароитларидан келиб чиқиб молиявий самарадорлик нуктаи назаридан имкон даражада энг яхши тарзда бажариш;

Мижоз шубҳасиз хато қилганда (шу жумладан, Мижоз томонидан имзоланган буюртманома, ариза ва бошқа хужжатда) ходимлар томонидан ушбу вазиятдан шахсий мақсадларда онгли равишда фойдаланишни истисно қилиш. Мижоз топшириқномасида бундай хато мавжуд бўлган тақдирда, Жамият ходими хато топшириқнома бажарилишининг олдини олиш бўйича оқилона чоралар кўриши ва бу тўғрисида Мижозни хабардор қилиши керак;

Мижозга берилган тавсиялар тегишли масала бўйича мавжуд ахборотнинг вижданан таҳлилига асосланишини таъминлаш;

Жамиятдаги когоз, магнитли ва бошқа турдаги ташувчиларда мавжуд хизматга тегишли ёки тижорат сирини ўз ичига олган ахборот Жамиятнинг бошқарув органлари ёки ваколатли мансабдор шахслари розилигисиз сотиш, бериш, нусха кўчириш, кўпайтириш, алмаштириш ва бошқа тарқатиш ва кўпайтириш предметига айланмаслиги учун Жамият фаолияти жараёнида яратилган, ўзлаштирилган ва тўпланган ахборотни сақлаш тизимини такомиллаштириш.

Жамият ва мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида улар томонидан хизмат вазифаларини бажаришда юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва ходимлар қуидагилар амалга оширишлари шарт:

амалий муносабатлар меъёрлари ва касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш;

белгиланган тартибда шартномалар тузиш;



Жамият билан рақобатлашувчи ташкилот хиссаси (акциялари)ни харид қилиш мақсади тўғрисида юқори мансабдор шахсни ёки Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларини хабардор қилиш;

низоли вазият юзага келишига шарт-шароит яратувчи холатлар пайдо бўлганлиги тўғрисида юқори мансабдор шахсни ўз вақтида хабардор қилиш;

mansabdar shahs ёki uning oila aъzolari sezilarli moliajvij manfaatga эга бўлган ва Жамият тижорат фаолияти юритаётган ёки юритишни мўлжаллаган ташкилотлар тўғрисида юқори мансабдор шахсни ёзма равища хабардор қилиш;

Жамият ва мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари сезиларли молиявий манфаатга эга бўлган ёки аффилланган шахс бўлган ташкилотлар ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсир кўрсатадиган хар қандай фаолиятдан сакланиш;

манфаатлари Жамият манфаатларига зид келиши мумкин бўлган бошқа ташкилотлар бошқарув органларида иштирок қилиш учун Жамият ижроия органи раҳбаридан олдиндан руҳсат олиш;

бошқа ташкилотда ўриндошлик бўйича ишлаш мақсади тўғрисида юқори мансабдор шахсни олдиндан хабардор қилиш ва мўлжалланган иш Жамият манфаатларига зид келмаслигини тасдиқловчи ахборотни тақдим қилиш.

## **VI. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ.**

15. Жамиятда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини ҳал қилиш учун Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қонуний ва асосланган, Жамият манфаатларига жавоб берадиган ечимни топиш мақсадида судгача тадбирларни амалга оширадилар.

16. Мансабдор шахслар акциядорлар ва Мижозлар томонидан бошқарув ва назорат органлари, корпоратив котиб номига ва таркибий бўлинмаларга келиб тушадиган хатлар, аризалар ва талабномалар (шу жумладан, оғзаки) хисоб (учёт)га олиниши ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашлари шарт.

17. Манфаатлар тўқнашувларини хисобга олиш Жамиятнинг корпоратив котибига юкланди. Жамиятнинг корпоратив котиби корпоратив низога дастлабки баҳо беради, масала моҳияти бўйича керакли хужжатларни тайёрлайди ва Жамиятнинг Кузатув кенгashi билан ўзаро мувофиқлаштирган холда уларни Жамиятнинг мазкур корпоратив низони кўриб чиқиши ваколатига эга органига топширади.

18. Жамиятнинг корпоратив котиби акциядорларнинг тез-тез унрайдиган масалалари ва талабларини таҳлил қиласи, ушбу масалалар бўйича барча акциядорларга қўшимча ахборот тақдим қилиш зарурати тўғрисида қарор қабул қиласи ёки мазкур турдаги мурожаатларни юзага келтирувчи сабабларни бартараф қилиш мақсадида Жамиятнинг ижроия органи

рахбариға ички тартиблар ва кўрсатмаларни ўзгартириш, бошқа тадбирлар ўтказиш бўйича таклифлар киритади.

19. Мижоздан ёки бошқа манбалардан низоли вазият тўғрисида маълумот олган ходим юқори мансабдор шахсни бу тўғрисида зудлик билан хабардор қилиши шарт. Низони таркибий бўлинма даражасида хал қилиш имкони бўлмаган тақдирда, бўлинма рахбари бир иш куни мобайнида ижроия органи рахбариға низо, унинг юзага келиш сабаблари, кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотни тақдим қилиши шарт.

Ижроия органи рахбари низони хал қилиш тартибини белгилайди, ваколатли шахсни тайинлайди. Зарур холларда, манфаатлар тўқнашувини хал қилиш учун комиссия ташкил қиласди.

20. Ваколатли шахс (комиссия) манфаатлар тўқнашувини хал қилиш учун барча чораларни кўради. Манфаатлар тўқнашувини хал қилиш имкони бўлмаган тақдирда, ижроия органи рахбари масалани кўриб чиқиш учун бошқарувга киритади, Кузатув кенгаши раисига низо тўғрисидаги маълумотларни юборади.

21. Мазкур маълумотлар Кузатув кенгаши хузурида низоли вазиятларни аниқлаш ва хал қилиш учун ташкил қилинадиган қўмита (ишчи гурух) томонидан кўриб чиқиласди.

22. Ўз ривожланишининг бирор-бир босқичида Жамият ижроия органи рахбари ёки унинг ўринбосарига дахл қилган ёки дахл қилиш эҳтимолига эга низо тўғрисидаги маълумотлар уч иш куни мобайнида Кузатув кенгашига низони хал қилиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш хамда қўмита (ишчи гурух) томонидан келгусида кўриб чиқилиши ва мазкур масала бўйича хулоса тақдим қилиниши учун топширилади.

23. Низони кўриб чиқиш натижасида Жамиятнинг ички хужжатларини ишлаб чиқиш ёки амалдаги ички хужжатларига ўзгартиришлар киритиши зарурати юзага келган тақдирда, Кузатув кенгаши ёки ижроия органи тегишли хужжатни ишлаб чиқиш ёки амалдаги хужжатларга тааллуқли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

24. Жамиятнинг бошқарув органлари Жамиятда юзага келадиган хар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувини хал қилиш учун куйидагиларни амалга ошириши шарт:

юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини максимал тарзда тез аниқлаш, уларнинг сабабларини белгилаш;

Жамият бошқарув органлари ваколати ва жавобгарлигини аник фарқлаш;

Жамиятнинг ваколатли шахсини белгилаш ёки зарур холларда низони хал қилиш бўйича комиссия тузиш;



максимал қисқа муддатларда Жамиятнинг низо мохияти бўйича нуқтаи назарини аниқлаш, тааллуқли қарор қабул қилиш ва уни низонинг иккинчи Томони эътиборига етказиш;

низонинг иккинчи Томонига Жамиятнинг низо мохияти бўйича нуқтаи назарини тўлиқ ва батафсил жавоб юбориш, шунингдек низо иштирокчиси илтимоси ёки талаби қондирилишини рад қилиш тўғрисидаги хабарномани қонунлар, Жамият Акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган меъёрий (норматив) хужжатлар, Устав ва ички тартиб хужжатлари асосида исботлаш;

низони хал қилишда қатнашган ваколатли шахснинг ушбу низо унинг манфаатларига ёки унинг оила аъзолари манфаатларига дахл қилаётгандиги ёки дахл қилиши мумкинлиги тўғрисида зудлик билан хабар беришини таъминлаш;

низо манфаатларига дахл қилаётган ёки дахл қилиши мумкин бўлган шахсларнинг ушбу низони хал қилишда ва у бўйича қарор қабул қилишда қатнашмаслигини таъминлаш.

Акциядорлар ўртасидаги, Жамиятнинг бошқарув органлари ва акциядорлар ўртасидаги низоларни хал қилиш учун:

Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Жамият акциядорлари ўртасида юзага келган низони хал қилишда воситачи бўлиши мумкин;

Жамиятнинг ваколатли шахси ёхуд ваколатли органи акциядорлар ўртасидаги музокараларда қатнашиши, акциядорларга уларнинг ихтиёрида мавжуд бўлган ва низога тегишли маълумотлар ва хужжатларни тақдим қилиши, қонунлар меъёрлари, Жамият Устави ва ички хужжатларини тушунтириши мумкин;

Жамиятнинг ваколатли шахслари ёки ваколатли органлари акциядорларга маслаҳатлар ва тавсиялар беради, акциядорлар томонидан имзоланиш учун низони хал қилиш тўғрисида хужжатлар лойихаларини тайёрлайди, Жамият номидан ўз ваколатлари доирасида акциядорлар олдида низони хал қилишга кўмаклашадиган даражада мажбуриятлар қабул қиласи;

Жамиятнинг бошқарув органлари ўз ваколатларига мувофиқ корпоратив низони хал қилиш бўйича қарорлар бажарилишини ташкил қилиши ва Жамият номидан низо иштирокчиси томонидан имзолангандиги келишувлар ижросига кўмаклашиши керак. Низо Томони ва Жамият ўртасида уларнинг мажбуриятлари мохияти бўйича низо бўлмаган, бирок уларнинг бажарилиш тартиби, усули, муддатлари ва бошқа шартлар юзасидан келишмовчиликлар юзага келган холатларда, Жамият низо иштирокчисига юзага келган келишмовчиликларни хал қилишни таклиф этиши ва  Жамият акциядор талабларини қондиришга тайёр шартларни баён қилиши мумкин;

агар Жамиятнинг акциядор талабларини қондиришга фазилити ушбу Томоннинг қонунлар, Жамият Устави ёки бошқа ички хужжатлари оиди

назарда тутилган бирор-бир харакатларни амалга ошириш зарурати билан боғлиқ бўлса, Жамият жавобида бундай шартлар тўлиқ тарзда кўрсатиб ўтилади, шунингдек уларнинг бажарилиши учун керакли ахборот (масалан, акциядор томонидан расмий талаб қилинган хужжатлар нусхаларини ёки Жамиятнинг банк реквизитларини тайёрлаш учун тўлов микдори ва х.к.) маълум қилинади.

26. Мазкур чоралар рўйхати мукаммал хисобланмайди. Ҳар бир муайян холатда манфаатлар тўқнашуви юзага келиш соҳасига қараб, низони хал қилишнинг бошқа шакллари кўлланилиши мумкин.

## VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

27. Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овоз билан тасдиқланади.

28. Агар мазкур Низомнинг айrim меъёrlари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ва/ёки Жамият Уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича мазкур Низомга тааллуқли ўзгартишлар киритиладиган пайтга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари меъёrlарига ва/ёки Жамият Уставига амал қилиниши керак.

